

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**695 «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида
алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисида
даги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навой вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ–4059-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 декабрь,
341-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 25 декабрдаги 341-сон қарорига
ИЛОВА

**«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида алоҳида
валюта режими фаолияти тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) алоҳида валюта режими фаолияти тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши фақат «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари деб аталади) томонидан фақат «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятга татбиқ этилади.

3. Ушбу Низом мақсадлари учун валютани тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларида фойдаланиладиган тушунчалар қўлланилади.

4. Ушбу Низомда назарда тутилмаган валюта операцияларини амалга ошириш тартиботлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**II. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан валюта
операцияларини амалга ошириш тартиби**

5. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари хизмат кўрсатиш учун ваколатли банкларни мустақил танлайдилар ва Ўзбекистон Республикасининг бир ёки бир неча ваколатли банкларида (кейинги ўринларда ваколатли банк деб аталади) хорижий валютада ҳисоб рақамлари очишга ҳақлидир.

6. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатини олган ҳолда чет элдаги банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

7. Хорижий валютада талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларини, шунингдек талаб қилиб олинadиган иккиламчи депозит ҳисоб рақамларини очиш учун «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ваколатли банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) ҳисоб рақамлари очишга ариза;

б) башарти қонун ҳужжатларида ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилган солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги шаҳодатноманинг нусхаси;

г) имзолар намуналари ва туширилган муҳр изи билан биргаликда карточкаларнинг икки нусхаси.

8. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларининг хорижий валютадаги маблағлари ваколатли банкларнинг ҳисоб рақамларида сақланади ва улар томонидан ушбу Низомга мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади.

«Навой» ЭИИЗ қатнашчиларининг чет элдаги банкларда очилган ҳисоб рақамларидаги хорижий валютадаги маблағларини сақлаш чет элдаги банкларда ҳисоб рақамлари очишга рухсат беришига асос бўлган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

9. «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан олинadиган хорижий валютадаги тушум, шу жумладан товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинadиган хорижий валютадаги тушум ваколатли банкларда уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилиши шарт.

«Навой» ЭИИЗ қатнашчиларининг чет элдаги банкларда очилган ҳисоб рақамига хорижий валютада маблағлар тушиши чет элдаги банкларда ҳисоб рақамлари очишга рухсат беришга асос бўлган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

10. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларига қуйидагиларга рухсат берилади: улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг улар учун қулай шартлари ва шаклларида фойдаланиш.

11. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмаган хўжалик юритувчи субъектлар товарлар, ишлар ва хизматларни «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларига хорижий валютага сотишга ҳақлидир.

12. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларининг валюта ҳисоб рақамларига Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида:

а) ташқи савдони амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар бўйича;

б) «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари билан тузилган шартномалар ва контрактларга мувофиқ тўловлар бўйича;

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли банклар орқали сотиб олинган;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда — «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан олинган нақд хорижий валюта;

д) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларининг устав фондига (устав капиталига) кўшилган;

е) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган кредитлар, хорижий инвестициялар ва қарзлар ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар бўйича;

ж) пластик тўлов ва кредит карточкалари бўйича тўловлар бўйича;

з) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда носавдо тусидаги тўловлар бўйича;

и) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет элдан бегараз ёрдам шаклда тушган;

к) бошқа банкларда очилган ҳисоб рақами эгасининг бошқа ҳисоб рақамларидан ўтказилган;

л) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳолатларда хорижий валютада маблағлар ўтказилиши мумкин.

13. Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларида «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларининг валюта ҳисоб рақамларидаги хорижий валютадаги маблағлар ҳисоб рақами эгасининг фармойишига кўра:

а) жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тўловлар бўйича ўтказилиши;

б) тузилган шартномалар ва контрактларга мувофиқ «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисоб рақамларига ўтказилиши;

в) товарлар, ишлар ва хизматлар етказилиб берилганлиги учун ҳақ тўлашга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳисоб рақамларига юборилиши;

г) белгиланган тартибда ваколатли банкнинг хорижий валютадаги операциялари бўйича воситачилик тақдирлаш ҳақини тўлаш, ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш учун (шу жумладан нақд тўлаш учун) фойдаланилиши;

д) кредитлар, қарзлар, фоизларни қайтариш ҳисобига фойдаланилиши;

е) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) киритиш бўйича харажатларга ўтказилиши;

ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат кўрсатувчи банкка сотилиши;

з) «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари ходимлари — норезидентларнинг иш ҳақини тўлаш учун фойдаланилиши;

и) ҳисоб рақами эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли банкларида очилган бошқа ҳисоб рақамларига ўтказилиши;

к) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда носавдо тусидаги тўловлар бўйича ўтказилиши;

л) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда фойдаланилиши мумкин.

14. «Навой» ЭИИЗ қатнашчиларининг чет элдаги банкларда очилган ҳисоб рақамлари орқали маблағларнинг барча ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги банкларда ҳисоб рақамлари очишга рухсат беришга асос бўлган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

15. Ички валюта бозорида хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртманом ва тегишли ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан ваколатли банклар орқали амалга оширилади.

III. Экспорт контрактларини ҳисобга олиш ва ижро этиш тартиби

16. Экспорт контрактлари экспорт қилувчи хорижий валютада талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамларини очган жой бўйича ваколатли банкда ҳисобга олиниши керак.

Экспорт қилувчида Ўзбекистон Республикасининг турли ваколатли банкларида хорижий валютада бир нечта ҳисоб рақамлари мавжуд бўлган тақдирда экспорт контракти фақат экспорт қилувчи томонидан танланган битта ваколатли банкда ҳисобга қўйилади. Бунда контракт бўйича хорижий валютадаги барча маблағлар, башарти қонун ҳужжатларида ўзга ҳол белгиланмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда контракт ҳисобда турган ваколатли банкка тушиши керак.

Экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Экспорт контрактларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш ариза берилган пайдан бошлаб 8 (саккиз) иш соати мобайнида амалга оширилади.

18. Экспорт контракти шартларидаги исталган ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча битим билан қайд этилиши керак. Қўшимча битимлар ваколатли банкда ва божхона органларида ҳисобга қўйилиши лозим/ керак.

19. «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари экспорт қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг ўзлари учун қулай шартлари ва шаклларида фойдаланишга ҳақлидир.

20. Экспорт қилувчилар юклаб жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун хорижий валютадаги тушум уларнинг ҳисоб рақамларига ўз вақтида ва тўлиқ тушмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

IV. Импорт контрактларини ҳисобга олиш ва ижро этиш тартиби

21. Импорт контрактлар фақат импорт қилувчи хорижий валютада талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамларини очган жой бўйича ваколатли банкда ҳисобга қўйилиши керак.

Импорт қилувчида Ўзбекистон Республикасининг турли ваколатли банкларида хорижий валютада бир нечта ҳисоб рақамлари мавжуд бўлган тақдирда импорт контракти фақат экспорт қилувчи томонидан танланган битта ваколатли банкда ҳисобга қўйилади. Бунда контракт бўйича барча ҳисоб-китоблар, башарти қонун ҳужжатларида ўзга ҳол белгиланмаган бўлса, контракт ҳисобда турган ваколатли банк орқали амалга оширилиши керак.

22. Импорт контрактларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш ариза берилган вақтдан бошлаб 8 (саккиз) иш соати мобайнида амалга оширилади.

23. Импорт контракти шартларидаги исталган ўзгартириш ва қўшимча-

лар қўшимча битим билан қайд этилиши керак. Қўшимча битимлар ваколатли банкда импорт контрактлар учун белгиланган тартибда ҳисобга қўйиши лозим.

24. «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари импорт қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг ўзлари учун қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланишга ҳақлидир.

25. Агар «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси томонидан ҳақ тўланган санадан бошлаб импорт қилувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида ваколатли банкка товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлиги тўғрисида божхона хизматларининг тегишли белгилари қўйилган, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича эса — инвойслар, счёто-фактуралар, бажарилган ишлар далолатномалари билан биргаликда карточка тақдим этилмаган тақдирда, ваколатли банклар ўн кун муддатда давлат солиқ хизмати органларига тегишли маълумотларни юборадилар.

V. Назорат ва ҳисобот

26. «Навой» ЭИИЗ қатнашчилари томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларининг тўғрилигини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

27. Ваколатли банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган шакл бўйича ва муддатларда «Навой» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган валюта операциялари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка ҳисобот тақдим этадилар.

28. «Навой» ЭИИЗнинг ушбу Низом талабларини ва валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган қатнашчилари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.